

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲАКИМОВ АБДУМУХТОР АБДУХАЛИМОВИЧ**

**ЎРТА ОСИЁДА БРОНЗА–ИЛК ТЕМИР ДАВРИ УРБАНИЗАЦИЯ  
ЖАРАЁНЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ  
(XIX АСР ОХИРИ – XXI АСР БОШЛАРИ)**

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот  
усуллари

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Ҳақимов Абдумухтор Абдухалимович**

Ўрта Осиёда бронза – илк темир даври урбанизация жараёнлари тарихшунослиги (XIX аср охири – XXI аср бошлари).....

**Ҳақимов Абдумухтор Абдухалимович**

Историография процессов урбанизации в Средней Азии эпохи бронзы и раннего железа (конец XIX – начала XXI вв.).....

**Накимов Abdumukhtor Abdukhalimovich**

The history of urbanization processes in Central Asia in the bronze and the early iron ages (late XIX-early XXI).....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲАКИМОВ АБДУМУХТОР АБДУХАЛИМОВИЧ**

**ЎРТА ОСИЁДА БРОНЗА–ИЛК ТЕМИР ДАВРИ УРБАНИЗАЦИЯ  
ЖАРАЁНЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ  
(XIX АСР ОХИРИ – XXI АСР БОШЛАРИ)**

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот  
усуллари

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tar249 рақами билан рўйхатга олинган.  
Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tarix.uz](http://www.tarix.uz)) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эшов Баходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Зияева Доно Ҳамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Мақсудов Фарход Алижанович**  
тарих фанлари номзоди  
Фарғона давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019. Tar.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «10» июнь соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тарих институти 2-қават Мажлислар зали. Тел.: (99871)233-54-70; факс: (99871)233-39-91; e-mail: info@uzhistory.uz. Тарих институти).

Диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58; факс: (+99871)262-34-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «1» июнь куни таркатилди.  
(2020 йил «1» июнь даги 11 - рақамли реестр баённомаси)



*[Signature]*  
**А.С.Сагдуллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., академик

*[Signature]*  
**М.Х.Пайзиева**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

*[Signature]*  
**А.Х.Дониёров**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги замондаги глобаллашув жараёнлари шароитида тарихий-маданий меросни сақлаш, шаҳарсозлик анъаналарини ўрганиш ва янада ривожлантириш жаҳон миқёсида долзарб аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, ўз халқи тарихини билиш ва ўзга халқлар маданиятига ҳурмат билан қараш минтақавий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Жумладан, ўзбек давлатчилиги ривожи ва урбанизация босқичлари ҳамда қадимги даврда кечган турли тарихий-маданий жараёнлар маҳаллий маданият эволюцияси ва у билан қўшни цивилизацияларнинг ўзаро таъсири натижасида кечган. Айнан шу боисдан тарихий-маданий алоқалар ва ўзаро муносабатлар илдизларига муурожаат этиш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Жаҳоннинг турли етакчи илмий муассасаларида Ўрта Осиё қадимги тарихий-маданий вилоятларининг моддий ва маънавий маданияти, урбанизация жараёнлари, илк давлатчилик ва жамият бошқаруви каби масалалар ўрганилмоқда. Бунда қадимги шаҳарларнинг харобалари сифатида аниқланган археологик объектларни қайта тиклаш ва сақлаш чоратадбирлари ўта муҳимдир. Чунки қазилар ишлари натижасида очилган ҳимоя деворлари, турар-жой, сарой ва диний ибодатхона иншоотлари табиий омиллар туфайли емирилиши ёки буткул йўқ бўлиб кетиши мумкин. Тарихий-маданий меросни тарғиб қилиш учун шаҳарлар тарихига оид маълумотлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бир қатор қадимги шаҳарлар тарихий ва туристик аҳамиятга эга жойлар рўйхати киритилмаган. Уларни бу рўйхатга киритиш туризмнинг кейинги тараққиёти учун кенг имкониятларни очган бўлар эди.

Сўнгги йилларда тарихий шаҳарларнинг юбилей саналари билан боғлиқ тарзда амалга оширилган махсус илмий тадқиқотлар ва янги олинган илмий натижалар туфайли Ўрта Осиёда урбанизация муаммолари ва қадимги шаҳарлар тарихини ўрганишга қизиқиш янада ортди. Амалга оширилаётган ушбу изланишлар фонида Ўрта Осиёда урбанизация жараёнлари тарихшунослигини тадқиқ этиш ҳамда бу масала юзасидан илмий қараш ва концепцияларни қиёсий таҳлил қилиш ва умумлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Бугун мамлакатимиз тараққиётининг янги йўлида фан ва таълим соҳаларига инновация ғояларини татбиқ этиш зарурати 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топган. “Янги жамият қурилиши жараёнида халқимизнинг бой тарихий мероси, шаҳарсозлик анъаналари ва улардан фойдаланишни ўрганиш катта аҳамиятга эга”<sup>1</sup>. Ўзбекистон тарихи Ўрта Осиё тарихининг ажралмас қисмидир. Айнан шу сабабли Ўзбекистон цивилизациясини ўрганиш муҳим аҳамиятга молик.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 78.

Мазкур цивилизациянинг тарихий илдишларини янги илмий маълумотлар асосида тадқиқ этиш ва уларни умумлаштирган ҳолда хулосалар бериш қадимги Ўзбекистоннинг минтақа цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини янада чуқурроқ ўрганиш имконини беради.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда 2018 йил 18 январь Ф-5181-сон “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармойишида белгиланган илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, халқимизнинг бой тарихи ва маданий меросини илмий ўрганиш, тарғиб қилиш ва бойитиб бориш каби вазифаларни маълум даражада бажаришга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси<sup>2</sup>.** Ўрта Осиёда шаҳарсозлик маданиятининг вужудга келиши ва ривожланиши масалалари махсус тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаганлиги ва бевосита мавзуга доир монографиялар мавжуд эмаслиги туфайли қадимги шаҳарлар тарихшунослиги муаммолари етарли даражада тўлиқ тавсифлаб берилмаган. Бироқ, айрим илмий тадқиқотларда илк шаҳарлар тарихи тарихшунослиги масалаларининг баъзи бир жиҳатлари акс этган<sup>3</sup>.

XX асрнинг 70-йилларида шаҳарлар тарихини ўрганишга бўлган эътибор сезиларли даражада кучайди. Шу билан бирга, қадимги шаҳарлар тарихини тадқиқ этиш масаласига ҳам эътибор қаратила бошланди ва бу йўналишда собиқ иттифоқ миқёсида конференциялар ўтказиб турилди<sup>4</sup>. Ушбу илмий тадбирлар доирасида айнан тарихшунослик масалалари ёритилмаган бўлса-да, бронза ва илк темир даври шаҳармонанд худудлари ва шаҳар типидоғи ёдгорликларда олиб борилган археологик тадқиқотлар

---

<sup>2</sup> Диссертациянинг I бобида қадимги шаҳарларнинг тарихшунослик таҳлили батафсил ёритилади.

<sup>3</sup> Қаранг: Бернштам А.Н. Среднеазиатская древность и ее изучение за 30 лет // ВДИ. – М., 1947. – № 3. – С. 86 – 90; Толстов С.П. Итоги двадцати лет работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции (1937-1956) // СЭ. – М., 1957. – № 4. – С. 31-59; Литвинский Б.А. Древний среднеазиатский город (местные традиции и иноземные модели) // Древний Восток. Города и торговля. – Ереван, 1973. – С. 99-125.

<sup>4</sup> Древний Восток. Города и торговля. (III-I тыс. до н.э.). – Ереван: АН АрмССР, 1973. – 224 с.; Древние города. – Л.: Наука, 1977. – 154 с.; Теоретические проблемы становление государства и города // Материалы международной конференции. – М.: Наука, 1984. – 341 с.

натижалари, қадимги шарқ шаҳарсозлигининг омиллари ва белгилари, уларнинг қиёсий таҳлили каби масалалар ўз аксини топган.

XX асрнинг 70-80 йилларида археолог олимлар томонидан олиб борилган диссертацион тадқиқотларда бронза ва илк темир даври шаҳарларининг тарихшунослиги масалалари қисман ёритиб берилган. Ушбу илмий изланишлар Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Туркменистон, Фарғона водийси бронза ва илк темир даври археологик тадқиқотлар натижаларига бағишланган<sup>5</sup>. Бироқ, шуни қайд этиш лозимки, уларда мазкур давр тарихшунослик нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилинмаган.

Бу даврда олиб борилган илмий ишлар орасида Ф. Қаршиеванинг тадқиқотини<sup>6</sup> алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Мазкур тадқиқотда қадимги Суғднинг мил. авв. VII – милодий VII асрлардаги тарихи ва маданияти масалалари тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилган бўлиб, олиманинг Афросиёб қўхна шаҳри тарихшунослигига оид маълумотларидан тадқиқотда фойдаланилди.

О.Лушпенконинг мақоласи<sup>7</sup> Қашқадарё воҳасининг илк темир даври манзилгоҳларини ўрганилиш тарихига бағишланган бўлиб, унда бу даврга оид Узунқир ва Ерқўрғон қўхна шаҳарлари тарихшунослиги таҳлил этилган ва уларнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши масаласи ёритилган.

Мустақиллик даврида Ўрта Осиёда шаҳарсозлик маданиятининг вужудга келиши ва ривожланиши масалаларини ўрганишда анча жонланиш кузатилади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб тадқиқотларда бронза ва илк темир даври шаҳарлари “шаҳармонанд”, “илк шаҳар”, “шаҳар” сифатида эътироф этилиб<sup>8</sup>, уларнинг тегишли бўлимларида шаҳарларнинг ўрганилганлик даражаси ҳам ёритилган. Ушбу тадқиқотларнинг барчасида Ўрта Осиёнинг жануби, Сурхон ва Қашқадарё воҳалари, Хоразм, Фарғона водийси ҳудудларида илк шаҳарларнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши масалалари ёритилган. Ў. Абдуллаев ва И. Юлдашевларнинг илмий ишлари<sup>9</sup>

---

<sup>5</sup> Аскарлов А.А. Бронзовый век Южного Узбекистана (К проблеме развития локальных очагов древневосточных цивилизаций): Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – М., 1976. – 44 с.; Заднепровский Ю.А. Чустская культура Ферганы и памятники раннежелезного века Средней Азии.: Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – М., 1978. – 52 с.; Кирчо Л.Б. Культура ранней бронзы Южной Туркмении (Вопросы происхождения по материалам керамических комплексов): Автореф. дисс. ... кан. ист. наук. – Л., 1980. – 26 с.; Ртвеладзе Э.В. Древняя Бактрия – средневековый Тохаристан.: Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – М., 1989. – 37 с.; Сагдуллаев А.С. Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика): Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – М., 1989. – 45 с.

<sup>6</sup> Каршиева Ф.М. История и культура древнего Согда (VII в. до н.э. - VII в. н.э.) в советской историографии.: Автореф. дисс. ... кан. ист. наук. – М., 1987. – 27 с.

<sup>7</sup> Лушпенко О.Н. К истории изучения поселений раннежелезного века долины Кашкадарьи // Древняя и средневековая археология Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 229-234.

<sup>8</sup> Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии.: Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – М., 1993. – 49 с.; Лушпенко О.Н. Раннежелезный век Южного Согда.: Автореф. дисс. ... кан. ист. наук. – Самарканд, 1998. – 25 с.; Исомиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандского Согда.: Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Самарканд, 2000. – 42 с.; Эшов Б.Ж. История формирования и развития раннегородской культуры Средней Азии: Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент, 2008. – 30 с.; Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бактрия мисолида): Тарих фан. док. ... дисс. автореф. – Самарканд, 2009. – 58 б.

<sup>9</sup> Абдуллаев У.И. Историография древней системы управления и ранней государственности Средней Азии (XX – нач. XXI в.): Автореф. дисс.. кан. ист. наук. – Ташкент, 2008. – С.31.; Йўлдашев И.Т. Фарғона

кадимий шаҳарлар тарихшунослиги таҳлиliga бағишланганлиги билан алоҳида эътиборга лойиқдир.

Б. Эшовнинг диссертацион тадқиқотида Ўрта Осиё шаҳарларининг ўрганилиши тарихи қуйидаги даврларга ажратилган:

- 1) XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср 20-йиллари;
- 2) XX асрнинг 30-80 йиллари;
- 3) XX асрнинг 90-йилларидан – XXI аср бошларига<sup>10</sup> қадар бўлган

вақт.

Фикримизча, муаммонинг тарихшунослик таҳлили юқоридаги даврлаштириш тартибига айрим изоҳлар ва ўзгаришлар киритишни тақозо этади.

Жумладан, *биринчи давр* тадқиқотларини XIX аср сўнгги чораги – XX асрнинг 30-йиллари оралиғида деб белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу даврнинг ўзини икки босқичга бўлиш мумкин:

а) XIX аср сўнгги чораги – XX аср бошлари (шаҳарлар тарихининг ёзма манбалар асосида ўрганилиши, ҳаваскорлик археологиясининг пайдо бўлиши);

б) XX асрнинг 20-30-йиллари (Ўрта Осиё археологияси илмий-услубий жиҳатдан шаклланиб, дастлабки йирик археологик экспедициялар ташкил этилган давр).

*Иккинчи давр* – 1945-1960 йиллар оралиғи бўлиб, бу даврда бронза асри ва илк темир даврига оид кўплаб ёдгорликлар топилган.

*Учинчи давр* – 1970-1980 йилларини ўз ичига олган ва у Марғиёна, Бақтрия, Хоразм, Суғд, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсидаги кўпдан-кўп қадимги шаҳарларнинг археологик қазилмалар асосида ўрганилганлиги билан изоҳланади.

*Тўртинчи давр* – мустақиллик йиллари бўлиб, бу даврда бронза асри ва илк темир даврига оид шаҳарлар тарихи, урбанизация жараёнлари ва илк давлатчилик тарихига бағишланган махсус илмий тадқиқотлар амалга оширилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТМ 1-018 “Фарғона водийси қадимги шаҳарларининг долзарб масалалари” (2012-2017 йй.) номли амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўрта Осиё қадимги шаҳарлари тарихи бўйича тўпланган билимлар динамикасини таҳлил этиш, мавзунинг ўрганилиши тарихи ва археологик тадқиқотларнинг натижаларини очиқ бериш, илмий

---

водийсида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи: Тарих фан.номзоди дисс. ... автореф. – Тошкент, 2011. – Б.26.

<sup>10</sup> Эшов Б.Ж. История формирования и развития раннегородской культуры Средней Азии: Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент, 2008. – С. 4.

ёндашувлар, қарашлар ва замонавий муаммоларни қиёсий таҳлил этишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи бўйича мавжуд манба ва материалларнинг ўрганилиши даражасига таъриф бериш;

XIX аср сўнгги чорагидан то XXI аср бошларигача бўлган ёзма манбалар, илмий адабиётларда ёритилган археологик тадқиқотларни умумлаштириш ҳамда қиёсий таҳлил қилиш;

Ўрта Осиёнинг илк шаҳарлари шаклланиши ва ривожланиши масалаларини ўрганиш бўйича асосий назариялар, концепциялар ва ёндашувларни кўриб чиқиш ҳамда уларга замонавий тарихшунослик нуқтаи назаридан баҳо бериш;

ижтимоий-иқтисодий, сиёсий алоқалар ва миграция жараёнларининг урбанизация тараққиётига таъсири масаласининг ўрганилишини таҳлил қилиш;

Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихшунослиги масалаларининг кам ўрганилган жиҳатларини ёритиш, минтақадаги қадимги шаҳарларнинг Шарқ цивилизацияси тизимида тутган ўрни тўғрисидаги илмий қарашларни таҳлил қилиш, хулоса ва тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўрта Осиё сўнгги бронза ва илк темир даври урбанизацияси жараёнларининг турли жиҳатларига бағишлаб ёзилган ишлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бронза ва илк темир даврида Ўрта Осиёда кечган урбанизация жараёнлари, илк шаҳар маданияти тарихига оид археологик тадқиқотларнинг натижаларига бағишланган адабиётлардаги илмий қарашлар, ёндашувлар ва хулосалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда асосий илмий маълумотларни тизимлаштириш ва умумлаштириш, тарихий-қиёсий таҳлил, кўрсатилган хронологик давр доирасида илмий қарашлар ва ёндашувларнинг танқидий таҳлили каби методлардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўрта Осиёда бронза асри ва илк темир даври урбанизация жараёнларининг ўрганилишига оид адабиётлар ва мавжуд илмий ёндашувларнинг назарий-концептуал моҳияти таҳлили асосида муаммо тарихшунослигини даврлаштириш масалаларига аниқликлар киритилган (жумладан, муаммо тарихшунослиги мавжуд уч давр ўрнига тўрт даврга бўлиниши исботланган) ҳамда ҳар бир босқичнинг моҳияти, кўлами ва ўзига хос жиҳатлари билан фарқланиши асослаб берилган;

Россия империяси мустамлакачилиги даврида минтақада археологик тадқиқотларнинг ўзига хос хусусиятлари (археологиянинг шаклланганлиги, бироқ, олиб борилган изланишлар чуқур илмий асосга эга бўлмай, аксарият олимлар ўрта аср ёзма манбалари маълумотларига асосланганлиги, шунингдек тадқиқотлар асосан нисбатан кейинги даврга оид ёдгорликлар ҳудудида олиб борилганлиги), XX асрнинг 20-30-йилларига келибгина Ўрта

Осиё археологияси илмий-услубий жиҳатдан шаклланганлиги ва дастлабки йирик археологик экспедициялар ташкил этилганлиги кўрсатиб берилган;

совет даврида минтақада олиб борилган археологик тадқиқотларни ўрганиш натижасида қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихига доир турли илмий қарашлар, назариялар ва ёндашувлар вужудга келганлиги (хусусан, 1970-1980 йиллардаги археологик тадқиқотларда минтақа ҳудудида бронза асри ва илк темир даврига оид катта шаҳарлар мавжудлиги ўз исботини топганлиги, бунгача эса фақат шаҳар манзилгоҳлари бўлганлиги фараз қилинганлиги) асосланган;

мустақиллик йилларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида очилган манзилгоҳлар, кўҳна шаҳарлар ва улардан олинган топилмалар асосида Ўзбекистондаги дастлабки шаҳар ва шаҳар кўринишидаги марказлар ҳамда манзилгоҳларнинг ривожланиши муаммоларига аниқликлар киритилганлиги (жумладан, бронза – илк темир даврига тегишли энг қадимий шаҳар Сурхондарёнинг Шеробод туманидаги Жарқўтон ёдгорлиги эканлиги) асослаб берилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Ўрта Осиёнинг бронза – илк темир даври урбанизация жараёнларининг у ёки бу жиҳатларини ёритувчи кенг кўламдаги илмий адабиётлар ўрганиб чиқилиб, мавзу бўйича турли концепциялар таҳлил этилди;

шаҳарлар тарихшунослигида урбанизация жараёнларининг турли босқичларини қамраб оладиган бу йўналишдаги тадқиқотларни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди;

қадимги шаҳарларнинг юзага келиши ва ривожланиши жараёнларини хронологик изчилликда ўрганиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, муаллиф томонидан чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-типологик таҳлил усуллари билан асослангани, тадқиқотда замонавий тарих фанида эътироф этилган ёндашувлар қўлланилгани, кўплаб илмий-тарихий манбалардан кенг фойдаланилгани, археологик маълумотлар айрим илк ёзма манбалар билан қиёсий ўрганилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тарихшунослик йўналишида бажарилган ушбу тадқиқот Ўрта Осиёнинг бронза – илк темир даври урбанизация жараёнлари тарихи бўйича келгуси тадқиқотлар учун маълумотлар захираси бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, диссертация маълумотлари ва хулосалари ҳамда қайд этилган мулоҳазалар Ўрта Осиё ҳудудидаги урбанизация жараёнлари тарихи борасидаги билимлар доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Диссертация материаллари ҳамда тадқиқот давомида чиқарилган илмий хулосалардан олий ўқув юрти талабалари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ўқувчиларига ижтимоий-гуманитар соҳаларда маъруза ва махсус курслар ўқитилишида, Ўрта Осиё, хусусан, мамлакатимиздаги илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, энг қадимги даврларда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнлари тарихини ўрганишда, ўрта, ўрта-

махсус ва олий таълим тизимида дарслик ва қўлланмалар яратишда, фундаментал ва умумлаштирувчи тарихий нашрларнинг тегишли қисмларини ёзишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XIX аср охири – XXI аср бошлари тадқиқотларида бронза ва илк темир даври Ўрта Осиё урбанизацияси бўйича илмий хулоса ва таклифлар асосида:

XIX аср охири – XXI аср бошлари тадқиқотларида бронза ва илк темир даври Ўрта Осиё шаҳарларининг пайдо бўлиши ва ривожланишига оид илмий натижа ва хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археологик тадқиқотлар институтида бажарилган А1-ФА-0-19793 “Ўзбекистоннинг қадимги деҳқончилик маданиятлари ва кўчманчи чорвадорлар дунёси: мил.авв. III – милоднинг I минг йилликлари бошларида ўзаро алоқалар ва таъсирлар муаммоси” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 15 октябрдаги 3/1255-2712-сон маълумотномаси). Бу эса Ўрта Осиёнинг бронза ва илк темир даври шаҳарлари тарихининг ўрганилишига оид маълумотларни кенгайтириш, турли даврда олиб борилган археологик қазишмалар натижаларини кенг ёритиш имконини берган;

Ўрта Осиёни бронза ва илк темир даври шаҳарларининг шаклланиши ва тараққиётига оид илмий ғоялар ва хулосаларидан Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг “Бронза даври шаҳарлари”, “Энг қадимги даврда давлатчилик” мавзуидаги экспозицион режаларини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 01-11-08-4311 сон маълумотномаси). Ўзбекистондаги қадимий шаҳарларга доир маълумотлар музей экспозициясини бойитишга ҳамда музейга ташриф қилган томошабинларнинг Ўзбекистоннинг илк шаҳарлари борасидаги тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари 12 та илмий-амалий анжуманлар ва конференцияларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация натижалари юзасидан жами 24 та иш эълон қилинган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 2 та мақола халқаро ва 8 таси республика журналларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 151 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати илмий асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек ишнинг объекти ва предмети белгилаб олинган; ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари

баён этилган; олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; натижаларнинг жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг структураси кўрсатиб берилган.

Ишнинг **“Ўрта Осиё қадимги шаҳарларининг ўрганилиши тарихи ва археологик тадқиқотларнинг натижалари”** деб номланган биринчи бобида XIX аср охири – XX асрнинг 30- йилларидаги тадқиқотларнинг натижалари кўриб чиқилган.

Ўрта Осиёда археологик тадқиқотларнинг пайдо бўлиши XIX асрнинг сўнгги чорагига бориб тақалади. Минтақанинг археологик жиҳатдан ўрганилиши масалаларини таҳлил этар экан, М. Е. Массон амалга оширилган илк археологик тадқиқотлар Туркистондаги хорижий сайёҳлар, комиссиянерлар ва савдо агентларининг Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилишидан кейинги иқтисодий ва сиёсий манфаатлари билан боғлиқ равишда, қадимги давр ашё-антикварларни йиғувчи коллекционерларнинг Туркистон ўлкасидаги фаол ҳатти-ҳаракатлари жараёнларида кечганлигини қайд этган<sup>11</sup>.

Ф. Қаршиева минтақадаги шаҳарлар тарихини ўрганишдаги дастлабки қазишмалар А.Б.Борзенков томонидан 1874 йилда Афросиёб ёдгорлигида амалга оширилганлигини таъкидлайди<sup>12</sup>. С. Горшенинанинг маълумотларига кўра, ушбу ёдгорликда олиб борилган ишлар 1883 йилда В.В.Крестовский томонидан давом эттирилган. Бироқ, улар кутилган натижаларни бермаганлиги сабабли Россия императори археология комиссияси томонидан тўхтатиб қўйилган<sup>13</sup>.

Таъкидлаш лозимки, ўрганилаётган даврда Ўрта Осиё урбанизацияси масалалари тадқиқи асосан шарқшунослар томонидан олиб борилган бўлиб, кўпроқ ёзма манбалар маълумотларига асосланилган. Шунингдек, ҳудуддаги аксарият археологик қазишмалар ўрта асрларга тегишли шаҳарларда олиб борилган. Қазишма услубларининг ҳали қуйи даражада эканлиги минтақанинг янада қадимгироқ, кўҳна шаҳарларини аниқлаш ҳамда уларда қазишмалар ўтказиш имконини бермаган эди.

XIX асрнинг 60-йиллари ва XX аср бошларида археологик ёдгорликларни ўрганиш В.Радлов<sup>14</sup>, В.Крестовский<sup>15</sup>, Н.Веселовский<sup>16</sup>, М.Ростиславов<sup>17</sup>, Н.Ситняковский<sup>18</sup> ва Б. Кастальский<sup>19</sup> кабилар томонидан

---

<sup>11</sup>Массон М.Е. Краткий очерк истории изучения Средней Азии в археологическом отношении // ТР. САГУ. – Ташкент, 1956. – Вып. LXXXI. – С.11-12.

<sup>12</sup>Каршиева Ф.М. История и культура древнего Согда в советской историографии. Учебное пособие. В. 3-х частях. Ч. I. – Самарканд, 1992. – С. 37; Ч. II. – Самарканд, 1993. – С.42 ; Ч. III. – Самарканд, 1994. – С. 86.

<sup>13</sup> Горшенина С.М. Первые опыты российских и французских археологов в русском Туркестане: методика исследований и судьба коллекций // Культурные ценности 1996. Библиотека Turkmenia. Международный ежегодник. – Санкт-Петербург, 1998. – С.69-77.

<sup>14</sup> Отчет о раскопках курганов, произведенных В.В.Радловым летом 1869 г // Архив археологической комиссии, дело №22. – 1869. – С. 23.

<sup>15</sup> Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. – СПб. 1887. – С.38.

<sup>16</sup> Веселовский Н.И. Заметка о курганах Туркестанского края // Записи восточного отделения. 1988. – Вып. 3-4, – С.224.

<sup>17</sup> Ростиславов М. Об археологических изысканиях в Зарафшанском округе // Протокол Туркестанского кружка любителей археологии. Год III. – Ташкент, 1899. – С.144-149.

олиб борилди. Хусусан, бу даврда Самарқанд шаҳрининг археологик жиҳатдан ўрганилиши масалаларини А.Ю. Якубовский<sup>20</sup> ва В.А. Шишкин<sup>21</sup> таҳлил этганлар. Уларнинг қайд этишича, 1884 йилда шарқшунос Н.И. Веселовский раҳбарлигида Афросиёб ёдгорлигида қазилмалар олиб борилиб, Суғднинг қадимги ва илк ўрта асрлар даври тарихига доир дастлабки илмий ёндашувлар вужудга келган, шунингдек ёдгорликнинг топографик харитаси тузилган. 1905,1907,1912 йиллардан эса Афросиёбдаги тадқиқотлар В.Л. Вяткин томонидан давом эттирилди.

Аммо, минтақадаги археологик қазилмалар тизимли тарзда олиб борилмаган, кўп ҳолларда бунга молиявий муаммолар тўсқинлик қилган. Бу даврнинг яна бир хусусияти шундан иборат эдики, минтақанинг кўплаб ҳудудларида археологик қазилмалар бу соҳада махсус билимларга эга бўлмаган ҳаваскорлар томонидан олиб борилган ва асосий эътибор антиквар буюмлар савдосига қаратилган. М.Е. Массоннинг таъкидлашича, қадимги даврларга оид ҳунармандчилик буюмлари ва бошқа осори-атиқаларнинг минтақа ҳудудларидан кўплаб топилиши XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг 20-йиллари бошлари оралиғида йирик шаҳарларда ўзига хос антиквар буюмлар “бозори”нинг мавжуд бўлиши ҳамда бу буюмлар савдосининг кенг миқёсда бўлишини таъминлаган эди<sup>22</sup>. Ҳақиқатан ҳам, кўпгина манбаларнинг гувоҳлик беришича, маҳаллий аҳоли археологик ёдгорликлар ҳудудидан қадимий бойликларни топиш мақсадида ўзбошимчалик билан қазилмалар олиб борган<sup>23</sup>.

XX асрнинг 20-30-йиллари Ўрта Осиёда археологик тадқиқотлар амалга оширишнинг илмий усуллари шаклланиши даври бўлди. Зеро, бу пайтга келиб археология тарих фанининг асосий йўналишларидан бири сифатида тез суръатларда ривожланди. 1934 ва 1939 йиллардаги А.Ю. Якубовский бошчилигидаги Зарафшон экспедицияси<sup>24</sup>, 1936 йилдаги М.Е. Массон бошчилигидаги Термиз археологик-комплекс экспедицияси<sup>25</sup>, Варахша кўҳна шаҳридаги 1937-1939 йилларда олиб борилган<sup>26</sup> тадқиқотлар, 1930-йиллари

---

<sup>18</sup> Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. – Ташкент, 1899. Год IV. Протокол №3. – С.92-94.

<sup>19</sup> Кастальский Б.Н. Бия-Найманские оссуарии // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. – Ташкент, 1909. – С.1-36.

<sup>20</sup> Якубовский А.Ю. Из истории археологического изучения Самарканда // ТОВЭ. – Л., 1940. Т. II. – С. 285-337.

<sup>21</sup> Шишкин В.А. К истории археологического изучения Самарканд и его окрестностей // Афрасиаб. – Ташкент: Фан, 1969. – Вып. I. – С. 3-121.

<sup>22</sup> Археологический рынок в Самарканде по данным отчета М.Е. Массона 2-декабря 1924 года // Известия Среднеазиатского комитета по делам музея и охраны памятников (“Средазкомстарис”). – Ташкент, 1926. – Вып. I. – С.272-277.

<sup>23</sup> Батафсил маълумот олиш учун қаранг: У истоков научного познания прошлого Туркестана [Текст]: монография / Г. Никитенко, Н. Шагалина. – Ташкент: Vaktria press, 2017. – 352 с.

<sup>24</sup> Якубовский А.Ю. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину в 1934 г. (Из дневника начальника экспедиции) // ТОВЭ. – Л., 1940. Т. II. – С. 113-164.

<sup>25</sup> Массон М.Е. Городища Старого Термеза и их изучение // Труды Уз ФАН. – Ташкент, 1941. Серия 1. – Вып. 2. – С. 5-122; Шишкин В.А. К исторической топографии старого Термеза // Ўша жойда. – С. 123-153.

<sup>26</sup> Шишкин В.А. Археологические исследования на городище Варахша и в Бухарском оазисе в 1937-1939 гг. // Труды АН УзССР. – Ташкент, 1956. – Вып. 8. – С. 13.

бошларидан Сирдарёнинг ўрта оқимида<sup>27</sup> олиб борилган қазилмалар, 1936 йилдан эса Хоразм археологик экспедициясининг кенг кўламдаги ишларида<sup>28</sup> шаҳарларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу тариқа, XX асрнинг 30-йилларида Ўрта Осиё урбанизацияси тарихи археологиянинг муҳим масалаларидан бирига айланиб, бу йўналишдаги тадқиқотларни амалга оширишда янги усуллар шаклланди. Аммо, совет ҳукмронлиги даврида жамият таракқиёти ва давлатчилик мафкурасидаги формацияли ёндашув бу тадқиқотларда ҳам ўз аксини топди.

Биринчи бобнинг *иккинчи бўлимида* 1945-1960 йилларда Ўрта Осиёда қадимий шаҳарлар тизимининг тадқиқ этилиши масаласи кўриб чиқилган. 1940-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, қадимги Бактрия, Марғиёна, Суғдиёна, Хоразм ҳудудларидаги шаҳарлар тарихини ўрганиш янги археологик экспедициялар ташкил этилиши учун асос бўлган эди. Хусусан, 1946 йилда Жанубий Туркменистон археологик-топографик экспедицияси Нисо ва Марв, Сарахс ва Амул каби энг қадимги, антик ва ўрта асрлар шаҳарларининг тарихий топографиясини, меъморчилиги ва қарвон йўллари ўрганишни бошлади<sup>29</sup>. 1950-йилларнинг бошларида бронза даври ёдгорликларининг умумий тизимида алоҳида ажралиб турадиган Намозгоҳдепа ва Олтиндепа каби йирик аҳоли масканлари аниқланди. Бу эса уларни қадимги бободехқонлар маркази сифатида талқин этиш имконини берди. Аммо, у пайтда бу ёдгорликларга нисбатан “шаҳар” тушунчаси ишлатилмади<sup>30</sup>.

Б.Куфтин, Б.Литвинский, А.Ганялин, Д.Дурдиев ва В.Массонлар томонидан бу даврда Жанубий Туркменистон қадимги деҳқончилик ёдгорликларида ўтказилган тадқиқотлар бу ҳудудлардаги илк шаҳарсозлик тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1945 йилдан Суғдиёнанинг қадимги тарихига доир археологик тадқиқотларнинг янги босқичи бошланиб, ЎзССР ФА Тарих ва археология институти қошида А.И.Тереножкин бошчилигида махсус экспедициялар ташкил этилди. А.Тереножкин Афросиёбда изчил тадқиқотларни амалга ошириб, унинг таҳлиллари асосида кўҳна шаҳарни тадрижий даврлаштиришга бағишланган мақоласини эълон қилди<sup>31</sup>.

1958 йилда Тарих ва археология институти томонидан В.А.Шишкин раҳбарлигида махсус Афросиёб археологик экспедицияси уюштирилиб, шаҳарнинг топографик режаси бўйича барча ҳудудларда тадқиқотлар олиб

---

<sup>27</sup> Григорьев Г.В. Отчет об археологической разведке в Янгиюльском районе УзССР в 1934 г. – Ташкент, 1940. – С. 24; Ўша муаллиф. Каунчи-тепа (раскопки 1934 г.). – Ташкент, 1940. – 63 с.

<sup>28</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948. – 352 с.

<sup>29</sup> Средневековые торговые пути из Мерва в Хорезм и в Маверауннахр в пределах Туркменской ССР // Труды Южно-Туркменистанской археологической экспедиции. Ашхабад, 1966. Т. VIII. – С. 214-230.; Пугаченкова Г.А. Пути развития архитектуры Южного Туркменистана поры рабовладения и феодализма. – М.: Наука, 1958. – С. 249.

<sup>30</sup> Массон В.М. Первобытнообщинный строй на территории Туркменистана. // Тр. ЮТАКЭ. – 1956. – Ашхабад, – С. 46-114.

<sup>31</sup> Тереножкин А.И. Вопросы историко-археологической периодизации древнего Самаркандда // ВДИ. – М., 1947. №4. – С. 127-135.

борилди<sup>32</sup>. Ушбу илмий иш натижалари изчиллик билан фанга жорий этиб борилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қарийб йигирма йил давомида Афросиёб ва қисман бошқа худудлардаги ёдгорликларда амалга оширилган тадқиқотлар асосида чиқарилган илмий хулосалар бир неча жилдан иборат тўпламларда ўз аксини топди<sup>33</sup>.

Қашқадарё воҳасининг мазкур даврда археологик жиҳатдан ўрганилиши С.К.Кабанов номи билан узвий боғлиқ бўлиб, у XX асрнинг 50-йилларида воҳадаги дастлабки илк темир даври ёдгорликларини аниқлади<sup>34</sup>.

1963 йилда М.Е.Массон раҳбарлигидаги Кеш археологик-топографик экспедицияси (КАТЭ) ташкил этилиши натижасида воҳанинг юқори ва ўрта оқими ҳавзасидаги йирик шаҳарларнинг топографик режаси ишлаб чиқилди, шунингдек, қадимги давр ёзма манбаларида эслатилган шаҳарлар ўрнини аниқлашга доир хулосалар чиқарилди<sup>35</sup>. Ўтган асрнинг 60-йилларида Сурхон воҳасидаги Сополли ва Кучуктепа каби бронза ва илк темир даври ёдгорликлари топиб ўрганилди<sup>36</sup>.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, бу даврдаги қадимги Хоразм шаҳарларининг режавий услублари – ички ва ташқи тузилиши, ҳимоя иншоотлари, табиий жойлашуви нуқтаи назаридан кўп ҳолларда бир-бири билан ўхшашлик хусусиятига эга эканлиги асослаб берилди. Хусусан, С. Толстов Хоразмнинг энг қадимги шаҳар-қалъаларидан бири бўлган Кўзалиқирнинг шаклланиши мил авв. VII-V ёки VII-IV асрларга оид эканлигини қайд этди<sup>37</sup>.

XX асрнинг 40-60 йилларида амалга оширилган тадқиқотларнинг энг асосий ўзига хос хусусияти бу даврда бронза асри ва илк темир даври ёдгорликларини тизимли тарзда ва катта ҳажмда ўргана бошланганлиги билан белгиланади. Бронза даври манзилгоҳлари илк бор Жанубий Туркменистон худудида тадқиқ этилган. Ўзбекистон худудида қадимги шаҳарлар категориясига Афросиёб ва Кўзалиқир каби ёдгорликлар киритилган. Аммо, бронза даври Фарғона водийси ёдгорликлари ҳисобланган Чуст ва Далварзин шаҳарлар сифатида кўрсатилмайди.

Биринчи бобнинг *учинчи бўлимида* XX асрнинг 70-80-йилларида бронза асри ва илк темир даври шаҳарлари тарихининг ўрганилиши масалалари таҳлил этилган. Шу даврда А.Асқаров Жанубий Ўзбекистонда урбанизация жараёнларининг пайдо бўлиши ва ривожланишига оид тадқиқот ишларини олиб борди. Олимнинг Сополли ва Жарқўтон каби ёдгорликлардаги қазилма

<sup>32</sup> Шишкин В.А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей // Афрасиаб. – Ташкент: Фан, 1969. вып. I. – С.3-121.

<sup>33</sup> Афрасиаб. Сборник статей. – Ташкент: Фан, 1969. Вып. I. – 330 с.; Вып. II. 1973. – 235 с.; Вып. III. 1974. – 237 с.; Вып. IV. 1975. – 164 с.

<sup>34</sup> Кабанов С.К. Археологические разведки в верхней части долины Кашкадарьи // Тр. ИИА ААН УзССР. – Ташкент, 1955. – Вып.7. – С.77-85; Ўша муаллиф. Археологические разведки в Шахрисабзком оазисе // Известия АН УзССР. – Ташкент, 1951. – Вып. 6. – С. 61-68.

<sup>35</sup> Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (КАТЭ) по изучению восточной половины Кашкадарьинской области УзССР // Тр. ТашГУ. Археология Средней Азии. – Ташкент, 1977. Вып. 533. – С.29-30.

<sup>36</sup> Альбаум Л.И. К датировке верхнего слоя Кучуктепе // ИМКУ. – Ташкент: Фан, 1969. – Вып. 8. – С.69-79.

<sup>37</sup> Толстов С.П. По древнем дельтам Окса и Яксарта. – М.: Наука, 1962. – С.96-109.

ишлари ва уларни қиёсий солиштирмалари муҳим илмий аҳамиятга эга бўлди<sup>38</sup>.

1970-йилларда Сурхон воҳасидаги Қизилтепа кўҳна шаҳрида тизимли тадқиқотлар олиб борган археолог олим А.Сагдуллаев, мил. авв. VIII-VI асрларда бу ҳудуднинг майдони 22гадан иборат бўлганлиги, унинг атрофида ўндан ортиқ уй-қўрғонлар шаклланганлигини аниқлади<sup>39</sup>.

В.Массон томонидан бу даврда Жанубий Туркменистондаги Олтиндепа ёдгорлигида олиб борилган янги тадқиқотлар илк бор минтақа ҳудудидаги илк шаҳарларнинг вазифалари (функциялари) борасида илмий хулоса чиқариш имконини берди<sup>40</sup>.

Бу даврда Суғдиёна ҳудудида ҳам изчил тадқиқотлар давом эттирилган. Жумладан, Афросиёбдаги қазишмалар давомида илк ҳимоя иншоотлари қатламидан Бургулик-Чуст кўринишидаги қўлда ишланган нақшли сополларнинг ўхшашлиги аниқланди<sup>41</sup>. Бундан ташқари, Қашқадарё воҳасидаги илк темир даврига оид Даратепа ёдгорлиги А. Сагдуллаев томонидан ўрганилди<sup>42</sup>. Китоб туманида олиб борилган археологик қазишмалар натижалари Н. Крашенинникованинг тадқиқотида ўз аксини топди. Мазкур тадқиқотчи Узунқир<sup>43</sup> ёдгорлигига оид маълумотларни таҳлил қилди. 1990-йилларга қадар Қашқадарё воҳасида илк темир даври ёдгорликларининг ўрганилиши масаласида олиб борилган тадқиқотлар натижалари О.Лушпенко томонидан умумлаштирилди<sup>44</sup>.

Ерқўрғонда тизимли равишда қазишмалар олиб борган Р.Ҳ.Сулаймоновнинг фикрича, ёдгорликнинг ривожланиши сунъий суғориш тармоқлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечган. Шунингдек, бу даврда маҳаллий аҳамиятга молик бўлган кичик шаҳарлар ҳам мавжуд бўлган<sup>45</sup>.

Хоразм воҳасида қадимги шаҳарлар шаклланишига доир тадқиқотлар О.А.Вишневская томонидан давом эттирилди. Тадқиқотчи Кўзалиқир

---

<sup>38</sup>Аскарлов А.А. Раскопки на поселение Сапалли // АО 1971. – М.: Наука, 1972. – С. 510-511; Ўша муаллиф. Раскопки поселения Джаркутан // ОА 1979. – М.: Наука, 1980. – С. 444-445; Ўша муаллиф. Сапаллитепа. – Ташкент: Фан, 1973. – 172 с.; Ўша муаллиф. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977. – 231 с.

<sup>39</sup>Сагдуллаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа.: Автореф. дисс. ... кан. ист. наук. – Ташкент, 1972. – 45 с.; Сагдуллаев А., Хакимов З. Археологическое изучение городища Кызылтепа // Бактрийские древности – Л.: Наука, 1976. – С. 44-51; Сагдуллаев А., Хакимов З. Работы Миршадинского отряда // АО 1977. – М.: Наука, 1978. – С. 110-119; Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент, 1987. – С. 5; Сагдуллаев А.С., Эшов Б. Ўрта Осиё халқларининг илк темир давридаги сиёсий ва иқтисодий муносабатлари тарихидан // Мустақил Ўзбекистон ва миллатлараро муносабатлардаги барқарорлик. Конференция материаллари. – Тошкент, 1995. – Б. 52-54; Эшов Б. Миллодан аввалги VII-IV асрларда Ўрта Осиёнинг жанубида аҳоли жойлашуви тарихидан // Мустақил Ўзбекистон ва миллатлараро муносабатлардаги барқарорлик. Конференция материаллари. – Тошкент, 1995. – Б. 25-27.

<sup>40</sup>Массон В.М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Т. XVIII. – Л.: Наука, 1981. – С. 105-106.

<sup>41</sup>Спришевский В.И. Оборонительные сооружения эпохи бронзы на территории Узбекистана. // СА. – М., 1972.-№3. – С.227-233.

<sup>42</sup>Сагдуллаев А.С. Древнесогдийские памятники // АО 1978. – М.: Наука, 1979. – С. 560; Ўша муаллиф. Поселения раннежелезного века в бассейне Кашкадарьи // СА. – М., 1984. - № 3. – С. 154-161.

<sup>43</sup> Крашенинникова Н.И. Раскопки в Китабском районе // АО 1983. – М.: Наука, 1985. – С. 533.

<sup>44</sup>Лушпенко О.Н. К истории изучения поселений раннежелезного века долины Кашкадарьи. Древняя и средневековая археология Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1990. – С.22-29.

<sup>45</sup> Сулейманов Р.Х. Развитие древних городов Южного Согда // ОНУ. – Ташкент, 1985. – №9. – С.37.

ёдгорлигидаги тизимли қазилмаларни давом эттириш асосида ёдгорликнинг воҳа худудидаги илк шаҳар эканлигини исботлади<sup>46</sup>.

Кўрсатилган даврда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида Ўрта Осиёда илк шаҳарлар пайдо бўлган манзилгоҳлар аниқланди. Улар эр. ав. II минг йиллик бошларида минтақа жанубида ҳунармандчилик, ишлаб чиқаришга асосланган хўжалик шакли ривожига ва қадимги Шарқнинг қўшни худудлари билан маданий алоқаларнинг йўлга қўйилиши асосида юзага келди.

Ушбу бобнинг *тўртинчи бўлими*да мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар натижалари таҳлил этилган. Бу борада А.Асқаров ва Т.Шириновлар томонидан чоп этилган монографияни алоҳида қайд этиб ўтиш зарур<sup>47</sup>. Муаллифлар Ўрта Осиёнинг жанубида шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлишини бронза даври билан боғлаб, ушбу масала бўйича мавжуд ёндашувларни қиёсий таҳлил этганлар.

М.Мамбетуллаев Хоразм худудларидаги шаҳарсозлик тараққиёти масалаларини комплекс ўрганиш натижасида воҳада урбанизация жараёнларининг юқори босқичи илк темир даврига тўғри келганлигини ҳамда мазкур даврда Кўзалиқир кўҳна шаҳри бунинг исботи эканлигини таъкидлаб ўтди<sup>48</sup>. Хоразм тарихини ўрганган бошқа олимнинг эътирофи этишича, Хоразмдаги ўзига хос маданият соҳиблари Жанубий Туркменистон ва шимоли-шарқий Эрон худудларидаги қадимги деҳқончилик цивилизациялари билан узвий алоқада бўлганлар<sup>49</sup>.

XX асрнинг 90-йиллари ва XXI аср бошларида археологик ва ёзма манбалар таҳлили асосида Суғдиёна худудларидаги урбанизация жараёнларининг шаклланиши масалаларини нисбатан тўлиқ ўрганиш М.Х.Исомиддинов томонидан амалга оширилган бўлиб, олимнинг асосий эътибори Афросиёб, Ерқўрғон ва Кўктепа кўҳна шаҳарларига қаратилган<sup>50</sup>.

О.П.Лушпенконинг қайд этишича, Узунқирдаги археологик қазилмалар жараёнида ёдгорликнинг марказий қисмидаги шурфдан топилган ашёларнинг мил.авв. I минг йиллик бошларида пайдо бўлганлигини исботлади<sup>51</sup>. Сангиртепада тадқиқот ишларини давом эттирган М. Ҳасановнинг хулосаларига кўра, Сангиртепада мил.авв. IX-VIII асрлардан V-IV асрларгача бўлган Бақтриядаги Кучуктепа I-II-III даври сопол мажмуалари

---

<sup>46</sup>Вишневская О.А. Раскопки на городище Кюзели-гьр // АО 1971. – М.: Наука, 1972. – С.533-534; Ўша муаллиф. Раскопки на городище Кюзле-гьр // АО 1977. М.: Наука, 1978.– С.544-545; Ўша муаллиф. Раскопки на городище Кюзле-гьр // АО 1978. М.: Наука, 1979. – С.567.

<sup>47</sup>Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. –Самарканд: Институт археологии АНРУз, 1993. – 162 с.

<sup>48</sup>Мамбетуллаев М.М. Формирование городов Хорезма // Генезис и пути развития процессов урбанизации Центральной Азии: Тезисы докладов международной конференции. – Самарканд, 1995. – С.76-78.

<sup>49</sup>Рапопорт Ю.А. Краткий очерк Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. –М.: Наука, 1998. – С.28-41.

<sup>50</sup>Исомиддинов М.Х. Сополга битилган тарих. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 96; Ўша муаллиф. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. – Ташкент: Изд.им. А.Кадыри, 2002. – С. 34.

<sup>51</sup>Лушпенко О.П. Древнеземледельческие поселения Южного Согда // Средняя Азия и мировая цивилизация: Тезисы докладов конференции. – Ташкент: Фан, 1992. – С. 79-80.

кузатилади. Шунингдек, бу ердан Суғдиёна худудларида биринчи бўлиб зардўштийлик ибодатхонаси қолдиқлари очилди<sup>52</sup>.

XX аср охири – XXI асрнинг бошларида Жарқўтон ёдгорлигида эришилган янги кашфиётлар натижасида “илк шаҳар”, “шаҳар-давлат” каби иборалар фанга кириб келди. Халқаро миқёсда олиб борилган тадқиқотлар давомида Жарқўтондаги қалъа, сарой, ибодатхона ва ён атрофда жойлашган саккизта катта патриархал жамоаларга тегишли уй-жойлар ўрганилди<sup>53</sup>. Ушбу тадқиқотлар Ўзбекистон худудларида илк шаҳарлар масаласида янги босқич юзага келишига, шунингдек, кўп йиллик тадқиқотлар натижаларининг қайта кўриб чиқилишига асос бўлди.

А.Анарбоевнинг фикрича, Фарғонадаги майдони 4-5 гектардан кам бўлмаган, истехкомли бўлган, ривожланган мудофаа тартибига эга бўлган барча пунктлар қишлоқ хўжалик атрофи, ҳунармандчилик ва савдо-сотик маркази бўлиб, шаҳар мақомига даъвогар бўлиши мумкин<sup>54</sup>. Тарихшунослик нуқтаи назаридан Фарғона водийси шаҳарларининг ўрганилиши натижалари, мавжуд илмий қарашлар ва ёндашувлар А.Сағдуллаев ва И.Йўлдашев мақоласида кўриб чиқилган<sup>55</sup>.

Умуман, илк шаҳарлар тарихини ўрганишга бағишланган мустақиллик даври тадқиқотларида, совет даврида мавжуд бўлган илмий қарашларнинг мазмунига танқидий ёндашган ҳолда, мавжуд назария ва ёндашувларнинг ижобий жиҳатларини ажратиш зарурати алоҳида таъкидланди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўрта Осиёда шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши тўғрисидаги илмий қарашлар ва ёндашувлар”** деб номланиб, унинг *биринчи бўлимида* “шаҳар” тушунчасига оид ёндашувлар таҳлил қилинади.

Илмий адабиётларда кўплаб учрайдиган «урбанизация» (“шаҳарланиш”, “шаҳарлашув”, “шаҳарсозлик” ёки “шаҳарсозлик маданияти”) тушунчасининг моҳият ва мазмуни тадқиқотчилар томонидан турлича талқин этилиб, бу борада ягона концепция яратилмаган. Ушбу йўналиш бўйича мавжуд тадқиқотларни шартли равишда учта гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга кирган Г.Чайлд, С.Мелларт, Р.Адамс сингари хорижлик тадқиқотчилар XX асрнинг 50-70 йилларида чоп этилган асарларида шаҳарлар жамият тараққиётида етакчи ўринда туришини

---

<sup>52</sup>Хасанов М. Мехендали С. Раскопки на Сангиртепа в Кашкадарье // Археологические исследования в Узбекистане 2003 год. – Ташкент: Институт археология АНРУз, 2004. – С.182-186.

<sup>53</sup>Шайдуллаев Ш.Б., Хуфф Д. Некоторые результаты работ Узбекско-Германской экспедиции на городище Джаркутан // ИМКУ. – Самарканд, 1999. – № 30; Шайдуллаев Ш.Б., Хуфф Д., Рахимов К. Жарқўтон – 2002 // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. – Тошкент, 2003. – Б. 31-33.

<sup>54</sup>Анарбоев А.А. Урбанистические традиции Ферганы // Изучение культурного наследия Востока. – СПб: Знание. 1999. – С.65-66.

<sup>55</sup>Сағдуллаев А., Юлдашев И. К вопросу о ранних городах и государствах долины Ферганы // Ўзбекистон тарихи. – Ташкент, 2009. – №3. – С.54-60.

таъкидлаган ҳолда, шаҳар атрофлари ҳам шаҳар қулайликларидан кенг фойдаланганлигини эътироф этадилар<sup>56</sup>.

И.М.Дьяконов, В.М.Массон ва бошқа тадқиқотчилар иккинчи гуруҳни ташкил этадилар. Улар урбанизацияга турли ҳудудларда шаҳарлар сонининг ортиб бориши ҳамда шаҳар аҳолисининг кўпайиб боришини асосий мезон қилиб олганлар<sup>57</sup>.

Учинчи гуруҳга мансуб Э.В.Сайко, Ю.А.Заднепровский, В.И.Сарианиди каби тадқиқотчилар миграция (маълум ҳудуд аҳолисининг шаҳарларга кўчиши), қадимги йўллар ва халқаро алоқалар жараёнларини урбанизациянинг асоси сифатида талқин этганлар<sup>58</sup>.

“Шаҳар” тушунчаси турли тадқиқотлар асосида таҳлил қилинар экан, шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, бу тартибда асосий белги шаҳарнинг ўзи ҳисобланади. Ушбу йўналишда “шаҳар” тушунчасини ҳар томонлама изоҳлаш ниҳоятда муҳимдир.

Тадқиқотчилар «шаҳар» тушунчасини уларнинг бажарган ижтимоий-иқтисодий вазифалари ҳолати нуқтаи назаридан ҳам ифодалайдилар. Бу борада илмий адабиётларда бир-бирини инкор этувчи турли фикрлар мавжуд. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, Р.Е.Блантон аҳоли масканларининг босқичма-босқич ривожланишида сиёсий жиҳатдан устун мавқеига эга бўлган ҳар қандай қишлоқни шаҳар деб эътироф этади<sup>59</sup>.

М.Този, Ю.В.Андреев ва бошқалар аҳолиси деҳқончилик билан шуғулланмайдиган ҳудудларнинг барчасини шаҳарлар қаторига киритишни таклиф этадилар<sup>60</sup>. Яна бир гуруҳ олимлар (Дж. Маркус, О.Г.Большаков, В.А.Якобсон) фақат сиёсий марказ вазифасини бажарган масканларни шаҳарлар деб ҳисоблайдилар<sup>61</sup>.

Мустақиллик йиллари тадқиқотчиларидан Ш.Б.Шайдуллаев ва Б.Ж.Эшовлар илк давлатлар ва шаҳарларнинг археологик белгилари мавзусига эътибор қаратганлар. Ш.Шайдуллаев Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги шаҳар – Жарқўтон мисолида, шаҳар атрофида қишлоқ манзилгоҳларининг жамланиши, шаҳар ҳудудида ҳунармандчилик соҳаларининг мавжудлиги ҳақида тўхталиб, ҳарбий истехкомлар, мудофаа

---

<sup>56</sup>Childe H.D. The Urban Revolution. Town Planning Reviw, 1950; Mellart S. Catal Huyuk a Neolithic. Townin Anatolia. – London, 1967; Adams R. McC. The Evolutional Urban Society Chicago, 1966; Adams R. McC, Nissen H.S. The Uruk countryside. The natural setting of urban Society. – Chicago – London, 1972.

<sup>57</sup>Дьяконов И. М. Проблемы города Вавилонии // Древний Восток. Города и торговля. – Ереван: АН АрМ. ССР, 1973; Массон В.М. Типология древних городов и исторический процесс // Древние города. – Л.: Наука, 1977.

<sup>58</sup>Сайко Э.В. Становление города как производственного центра. – Душанбе: Дониш, 1973; Заднепровский Ю.А. Типология и динамика развития городских поселений древней Ферганы // Древний город Средней Азии. – Л.: Наука, 1973; Сарианиди В.И. Бактрия в эпоху бронзы. – СА. – М., 1974. – №4.

<sup>59</sup>Blanton R.E. Regional wolution in the valley of Daxasa // Journ. Of Field Archaeology. 1979 – Vol. 6 – P.4-6.

<sup>60</sup>Tosi M. Prehistorik Sistan. Rome, 1983; Андреев Ю.В. Ранние формы урбанизации // ВДИ. –М.,1987. №1. – С.3-19 ва бошқ.

<sup>61</sup>Marcus J. Anthropology. 1976. Vol. 5.; Большаков О.Г., Якобсон В.А. Об определение понятия «город» // История и культура народов Востока (древность и средневековые). – Л.: Наука, 1983. – С.184-196.

деворлари, буржлар, йирик сарой ва ибодатхоналарни шаҳарнинг таркибий белгилари сифатида қайд этган<sup>62</sup>.

Б.Ж.Эшов илк шаҳар белгиларини махсус жадвалда ёритиб берган<sup>63</sup>. Таъкидлаш жоизки, ушбу услубий ёндашувларга И.М.Дьяконов, В.А.Якобсон ва В.М.Массонларнинг назариялари маълум даражада таъсир кўрсатган.

Барча тадқиқотчиларнинг фикрларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, шаҳар – аҳолининг нисбатан қадимги ва шу билан бирга энг замонавий худудий жойлашув шакли бўлиб, турли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий функцияларни бажарган. Шаҳарларнинг пайдо бўлиши жамиятнинг маданий ва технологик жиҳатдан жадал ривожланиши, атроф-муҳитнинг ўзлаштирилиши, сиёсий жараёнлар ва иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ бўлиб, бу жараён ижтимоий тузум тараққиёти ва хусусиятларини ўзида акс эттиради. Шунингдек, ҳар бир тарихий давр шаҳарсозлигининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Иккинчи бобнинг *иккинчи бўлимида* урбанизация жараёнларининг омиллари ва хусусиятлари масалаларига оид илмий қарашлар таҳлил этилган. Урбанизация жараёнларининг ривожланиб бориши турли минтақаларда цивилизациялар шаклланишига замин яратган. Ю.А. Качановскийнинг фикрича, цивилизация иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданият соҳаларида ўз аксини топади<sup>64</sup>.

XX асрнинг ўрталарида И.М.Дьяконовнинг эътироф этишича, шаҳарларнинг шаклланишига олиб келган ижтимоий ва иқтисодий омиллар энг аввало, марказлашган иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятнинг бирлашишига, ижтимоий табақаланиш ҳамда иқтисодий ихтисослашишга боғлиқ бўлган. Бу уч омил шаҳарларнинг тарихий-маданий марказлар сифатидаги аҳамиятини ошириб, уларнинг янада тараққиёт этишига замин яратган<sup>65</sup>.

В.И.Сарианиди мил. авв. II минг йиллик охирлари – I минг йилликнинг бошларида Жанубий Туркменистонда хом ғишдан қурилган баланд пойдеворларга эга қароргоҳлар ва уларнинг атрофида уй-жойлардан иборат мудофаа деворлар билан ўралмаган марказлар (Ёзтепа, Аравалитепа) вужудга келганлигини қайд этган<sup>66</sup>. Б.Ж. Эшовнинг фикрича, ушбу белгиларга кўра, улар бронза даври бинокорлик анъаналарини такрорлайди (маълумки, Даштли-3, Жарқўтон каби ёдгорликларда шаҳар мудофаа деворлари мавжуд эмас)<sup>67</sup>.

---

<sup>62</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Илк давлатларнинг археологик белгилари // *О'zbekiston tarixi*. –Тошкент, 2002, – №3. – Б.3-10.

<sup>63</sup> Эшов Б.Ж. История формирования и развития раннегородской культуры Средней Азии: Автореф.дисс... докт.ист.наук. –Ташкент, 2008. – С.18.

<sup>64</sup> Качановский Ю.А. Рабовладение, феодализм или азиатской способ производства? – М., 1971. – С.249

<sup>65</sup> Дьяконов И.М. Общественный и государственный строй Древнего Двуречья. Шумер. – М.: Вост.лет., 1959. – С.36-41.

<sup>66</sup> Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашхабад: Ёлым. 2002. – С.110-111.

<sup>67</sup> Эшов Б.Ж. История формирования и развития раннегородской культуры... – С.30.

А.С.Сагдуллаевнинг фикрига кўра, мил.авв. VIII-VII асрларда Марғиёна, Бактрия ва Суғд ҳудудларида мустаҳкамланган ички қалъа ва мудофаа деворлари билан ўралган йирик марказлар (Ерқалъа, Олтиндилёртепа, Қизилтепа, Узунқир, Кўктепа) пайдо бўлган. Олим бу шаҳарларнинг мукамал мудофаа тизимини инobatга олган ҳолда, улар маъмурий ва ҳарбий марказлар вазифасини бажарганлигини, яъни, ҳарбий таҳдидлар пайтларида атрофдаги зироатчи аҳоли учун бошпана бўлганлигини таъкидлайди<sup>68</sup>.

В.М.Массон, А.А.Асқаров, Т.Ш.Ширинов ва бошқа олимлар шаҳарларнинг функционал типологиясига тўхталиб, улар вазифаларига кўра фарқланишини кўрсатиб ўтганлар. Жумладан, қадимий шаҳарларни атрофдаги қишлоқ хўжалик ҳудудлари маркази, савдо-хунармандчилик, ҳарбий-маъмурий, маданий-мафкуравий марказлар кабиларга ажратиш мумкин. Айрим ҳолларда турли вазифаларнинг қўшилиб кетиши ҳолатлари ҳам кузатилади. Шу билан бирга, қадимги шаҳарлар мураккаб ижтимоий-иқтисодий муносабатларни акс эттирувчи марказлар ҳам ҳисобланади. Шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий тизимнинг таркибий қисмини ташкил этиб, унинг ўзига хос хусусиятларини нисбатан аниқ ва ҳар томонлама мужассамлаштиради<sup>69</sup>.

Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий омиллар урбанизация жараёнларининг асосий белгилари ҳисобланади. Фикримизча, шаҳарсозлик учун табиий-географик ва демографик омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шаҳарларнинг ҳудудий-географик жойлашуви, сув билан таъминланганлиги, атрофда қазилма бойликларининг мавжудлиги ҳам муҳим омилларни ташкил этади.

Қўйилган масаланинг тарихшунослик таҳлили шундан далolat берадики, шаҳарсозлик маданияти маҳаллий неолит ва энеолит деҳқончилик маданиятининг тадрижий ривожланиши натижасида вужудга келган. Жанубий ҳудудлардаги шаҳарлар пайдо бўлишида ташқи омиллар, яъни, зироатчи аҳолининг янги ерларга кўчиши асосий сабаб бўлиб, ўзлаштирилган ҳудудларда ўзига хос хусусиятлардан иборат маданият ривожланган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Шаҳарсозлик шаклланишининг омиллари ва шаҳарларнинг илк давлатлар пайдо бўлишидаги аҳамияти муаммоларининг ўрганилиши”** деб номланган. Унинг *биринчи бўлимида* бронза даврида шаҳарлари шаклланиши асосларининг ёритилиши масалалари кўриб чиқилган. Жумладан, ушбу масалани очиб беришда Ю.Заднепровский, В. Массон, Э.Ртвеладзе, А.Асқаров, А.Сагдуллаев, Т.Ширинов, В.Сарианиди, Б. Матбобоев, А. Анарбаев, Ш. Шайдуллаев, Б. Эшов ва бошқаларнинг илмий асарлари ҳамда ёндашувлари таҳлил этилди.

---

<sup>68</sup> Сагдуллаев А.С. Становление раннебактрийской и раннесогдийской государственности Узбекистана. Ташкент: Узбекистан, 2009. – Т.1. – С.76-78.

<sup>69</sup> Массон В.М. Городские центры и раннеклассовых обществ // История и археология Средней Азии. – Ашхабад: Ёлым, 1978. – С.21; Асқаров А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд: Институт археологии АН РУз., 1993. – С.162.

Тарихшунослик тадқиқотларидан<sup>70</sup> маълумки, бронза даври, айниқса бу даврнинг охири Ўрта Осиё тарихида кескин ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар даври бўлди. Бу давр жамият ҳаётида ибтидоий муносабатлар инқирозга учраб, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожлана бошлайди. Айнан мана шу даврдан бошлаб жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган илк шаҳарларнинг шаклланиш жараёни ниҳоясига етиб, ривожланиш босқичига ўтади. Э.В.Ртвеладзе, В.М.Массон каби тадқиқотчилар эътироф этган дастлабки цивилизациялар, илк шаҳарсозлик маданияти, давлатлар пайдо бўлиш жараёнлари ўртасидаги диалектик боғлиқликни дастлабки шаҳар марказлари ўчоқларининг алоҳида жойлашуви жараёнларини таҳлил этишда ҳам кузатиш мумкин<sup>71</sup>.

Ўзбекистоннинг жанубида асослари янада қадимгироқ даврларга бориб тақалувчи дастлабки ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлари мил.авв. II минг йилликнинг бошларида унчалик катта бўлмаган тоғ сойлари бўйларида пайдо бўлиб, гуруҳлаша бошлайди. Э.В.Ртвеладзе қадимий цивилизациялар шаклланиши жараёнларини таҳлил этиб, айнан мана шу даврдан бошлаб илк темир асрининг бошларигача маълум чегараланган ҳудудларда жойлашган унчалик катта бўлмаган воҳалар тизими Шимолий Бактрия аҳоли жойлашувининг асосий ҳудудларига айланганлигини тахмин қилган<sup>72</sup>.

Ю.А.Заднепровский қадимий маданият ўчоқлари, қадимий шаҳарлар ва урбанизация босқичлари масалаларини Фарғона водийси мисолида тадқиқ этди. Унинг хулосасига кўра, Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудлари, хусусан, Фарғона водийсида бронза даври бошқа ҳудудларга нисбатан тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан ўзига хос бўлиб, унда архаик элементлар узоқ давр мобайнида сақланиб қолган. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, водийдаги бронза даврига оид, Чуст маданияти номи билан маълум ва машҳур бўлган деҳқончилик маданиятини тадқиқотчилар турли йилларда гоҳ бронза, гоҳ илк темир даврига тегишли деб ҳисоблаб келдилар<sup>4</sup>.

А.Анарбоевнинг сўнгги йиллардаги тадқиқотлари натижасида Шоҳимардонсой-Марғилонсой ҳамда Косонсой ҳавзаларида олиб борилган археологик-палеографик изланишлар Фарғона водийсининг суғорма

---

<sup>70</sup> Хусусан, муаммо юзасидан Б.Эшовнинг қуйидаги мақоласида батафсил маълумот берилган: Эшов Б. Ўрта Осиёдаги дастлабки урбанизация жараёнларининг айрим жиҳатлари // “Бойсун баҳори” очик фольклор фестивали. “Жаҳон цивилизацияси: Бойсун моддий ва маънавий маданияти”. Халқаро конференция материаллари. Тошкент: Янги нашр, 2019. – Б.64-67.

<sup>71</sup> Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. –Ташкент, 2005. – С.228; Массон В.М. Эпоха первых цивилизаций // Вопросы истории. – М., 1986.№3. – С.49-63.

<sup>72</sup>Ртвеладзе Э.В. Формирование и сложение древней цивилизации. В кн. Северная Бактрия-Тохаристан. - Ташкент. 1989. – С.3.

<sup>4</sup> Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // Материалы и исследования по археологии. –М. –Л..1962. Вып. 118. – С. 23; Ўша муаллиф. Чустская культура Ферганы и памятники раннежелезного века Средней Азии: автореф. дисс... док. ист. наук. М., 1978. – С. 33; Ўша муаллиф. Древние города и этапы урбанизации Средней Азии // Зоны и этапы урбанизации (Теоретические аспекты проблемы «Город и процесс урбанизации в Средней Азии»). – Ташкент: Фан, 1989. – С. 51-53; Кошеленко Г.А. Заключение к восьмой главе. Фергана, Ташкентский оазис, Уструшана. // В кн. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. – М.: Наука, 1985. – С. 193-198.

деҳқончилиги тарихига бирмунча аниқликлар киритиш имкониятини берди. Мисол учун, тадқиқотлар натижаларига кўра, Косонсойнинг куйи оқимида Ахсикент воҳасининг асосий қисми мил. авв. X-IX асрларда ўзлаштирилган бўлиб, Эски Акси ёдгорлиги ҳудудида деҳқончилик манзилгоҳи бўлганлиги аниқланди<sup>73</sup>.

Хуллас, аҳоли жойлашувининг ҳудудий асослари дастлабки шаҳар марказларининг кейинги тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлди. Қадимги даврлардаёқ айрим қабила ёки қабила гуруҳларининг ўзига хос услубда бир ерда ўтроқ марказлашуви ҳудудий бирлик-маданий, этник ва тил бирлиги учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу жараёнлар дастлабки шаҳар марказларидаги ўзига хос маданиятни белгилаб берувчи тараққиёт босқичлари учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ушбу бобнинг *иккинчи бўлимида* илк шаҳарларнинг давлатлар пайдо бўлишидаги аҳамиятига оид масалалар талқини ёритилди. Жумладан, ушбу муаммони ўрганишда В. Массон, Ю. Буряков, А.Асқаров, А. Сагдуллаев, Р. Сулаймонов, Т.Ширинов, Б. Матбобоев, Б. Эшов сингари олимларнинг илмий изланиш ва хулосалари таҳлил этилди.

Б. Матбобоев шаҳарларнинг илк давлатлар марказлари сифатидаги аҳамиятини ўрганиш жараёнида ижтимоий-иқтисодий тузумлар ва уларнинг ўзгариши тадқиқотларнинг асосини ташкил этишини қайд этади. Чунки урбанизация жараёнларининг ривожланиш даражаси бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан иккинчи бир шундай тузумга ўтилишига қараб ўзгариб туради<sup>74</sup>.

Б. Эшовнинг фикрича, қадимги шаҳарлар вазифаларининг типологиясини қандайдир мавҳум, вақт билан боғлиқ бўлмаган ёки тарих билан боғлиқ бўлмасдан амалга ошган жараён, деб ҳисобламаслик лозим. Қадимги шаҳарлар маълум вазифаларни бажарувчи масканлар бўлибгина қолмасдан, балки бутун ижтимоий-иқтисодий тузумнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ўзида акс эттиради<sup>75</sup>.

Тошкент воҳаси мисолида қадимий шаҳар маданияти масалаларини тадқиқ этиш мобайнида Ю.Буряков уларнинг келиб чиқиши ва типологиясига оид муҳим маълумотларни қайд этган. Хусусан, ўзини мудофаа қилиш мақсадида аҳолини бирлаштириш, ички ва ташқи муносабатларни тартибга солиш, катта ҳудудда ички алоқаларни шакллантириш, бошқарув маъмуриятини ташкил этиш, ягона жараён билан қамраб олинган минтақадаги масканларни вазифавий белгисига қараб табақалаштириш зарурати туғилади. Пировард натижада ҳудуд чегараларида қалъа-шаҳарлар, ҳудуднинг (шартли) марказида пойтахт шаҳар, савдо йўлларида савдо марказлари, фойдали қазилмалар конлари яқинида маъданлар қазиб олиш ва қайта ишлаш

---

<sup>73</sup> Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы. Ташкент, 2013. – С.13.

<sup>74</sup> Матбобоев Б.Х. Ранний город Ферганы и вопросы начального этапа государственности // Археология и история культуры Средней Азии. Ташкент. 2002. – С.77-80.

<sup>75</sup> Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Тошкент, 2008. – Б.174.

марказлари кабилар пайдо бўлади<sup>76</sup>.

Умуман олганда, тадқиқотчилар Ўрта Осиёда илк давлатларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини ахамонийларгача бўлган давр, яъни мил. авв. IX – VII асрлар билан белгилайдилар ҳамда бу жараёнда шаҳарларнинг ахамиятини алоҳида таъкидлайдилар (М. Дункер, В. Томашек, Ф. Альтхайм, С.П. Толстов, М.М. Дьяконов, И.М. Дьяконов, В.М. Массон, М. Дандамаев, Б.Ғ. Ғофуров, Б.А. Литвинский, А.А. Асқаров, Э.В. Ртвеладзе, М.В. Пьянков, А.С. Сагдуллаев, Т.Ш. Ширинов ва бошқалар)<sup>77</sup>.

Жамият ҳаётида металлнинг кенг ёйилиши дастлабки шаҳарлар ва давлатчиликнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб, Ўрта Осиёнинг жуда кўплаб бронза ва илк темир даври ёдгорликларидан (Анов, Сополли, Жарқўтон, Қизилтепа, Кўзалиқир, Афросиёб, Даратеп, Чуст, Далварзин ва бошқ.) ишлаб чиқарувчи хўжалик билан бевосита боғлиқ бўлган металл қуроллар топиб, ўрганилган. Меҳнат қуролларининг металлдан ишланиши меҳнат унумдорлигининг янада ошишига кенг имкониятлар яратган. Бу ҳолат эса шаҳарлар тараққиётига сезиларли туртки бўлиб, илк давлатчиликнинг асосларини ташкил этган.

## ХУЛОСА

“Ўрта Осиёда бронза – илк темир даври урбанизация жараёнлари тарихшунослиги (XIX аср охири – XXI аср бошлари)” мавзусини тадқиқ этиш жараёнида кўриб ўтилган даврда Ўрта Осиёда илк шаҳарлар шаклланиши ва ривожланиши тарихшунослигидаги билимлар динамикаси, соҳа мутахассисларининг қарашлари ва назариялари, илк шаҳарлар ҳақидаги турли ёндашувлар, умуман илк шаҳарларнинг ўрганилиш тарихи ҳар томонлама кўриб чиқилди ва қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг 20-йиллари бошларида археологик қазишмалар фақат минтақанинг ўрта асрларга тегишли қадимий шаҳарлари ҳудудида олиб борилган. Қазишма услубларининг етарлича тараққий этмаганлиги, бу соҳадаги билим ва тажрибаларнинг камлиги янада қадимгироқ шаҳарларни аниқлаш ва уларда қазишмалар ўтказиш имконини бермаган эди. Бу даврда Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарлари тарихини ўрганиш ишларида археологлар билан бир қаторда, шарқшунос олимлар ҳам фаол иштирок этдилар. Диссертация ишида В.В.Радлов, В.В.Крестовский, Н.И.Веселовский, М.Ростиславов, Н.Ф.Ситняковский, Б.Н.Кастальский, В.В.Бартольд ва бошқа тадқиқотчиларнинг изланишларига оид маълумотлар тадқиқ этилди.

XX асрнинг 20-30 йилларига келиб Ўрта Осиё урбанизацияси тарихи археологиянинг муҳим масалаларидан бирига айланди ва ушбу йўналишдаги тадқиқотлар минтақанинг турли ҳудудларида янгича методикаларга асосланган ҳолда амалга оширилди. Хусусан, В.Л.Вяткин, М.Е.Массон, А.Ю.

---

<sup>76</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры ташкентского оазиса – Ташкент.: Фан, 1982. –С.14-15.

<sup>77</sup> Ўзбекистон тарихи / А. Сагдуллаев, Б. Эшов таҳрири остида. – Тошкент: Университет, 1997. –Б. 45.

Якубовский, С.П.Толстов, В.А.Шишкин каби олимларнинг изланишлари натижасида ўрганилаётган муаммонинг кўпгина жиҳатларига аниқликлар киритилди.

1945-1960 йилларда Б.А. Куфтин, Б.А. Литвинский, А.Ф.Ганялин, Д.Д.Дурдиев, В.М.Массон сингари олимлар томонидан олиб борилган кенг қамровли тадқиқотлар натижасида бронза ва илк темир асри ёдгорликлари тизимли равишда ўрганила бошланди. Дастлаб Жанубий Туркменистондаги бронза даври аҳоли масканлари тадқиқ этилди. Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги шаҳарларда қатор муаллифлар қазилма ишларини олиб бордилар. Жумладан, А.И.Тереножкин, М.Е.Массон ва В.А.Шишкин Афросиёбада, С.П. Толстов Кўзалиқирда ўз тадқиқотларини амалга оширдилар. Фарғона водийсида изланишлар олиб борган Ю.А.Заднепровский бу ердаги Чуст ва Далварзин каби ёдгорликларни шаҳар сифатида талқин қилмади.

1970-80 йилларда археологлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда Ўрта Осиёдаги илк шаҳарлар шаклланиши ўчоқлари аниқланди. Жумладан, бу даврда В.М. Массон, Ю.А. Заднепровский, А.А. Асқаров, А. С. Сагдуллаев, В. И.Сарианиди, Л.Б. Кирчо, Т.Ш.Ширинов, Р.Ҳ.Сулаймонов каби олимлар илмий тадқиқотлар олиб бордилар. Изланишлар натижасида минтақа жанубида мил.авв. II минг йилликнинг бошларига келиб ишлаб чиқарувчи хўжаликлар, ҳунармандчилик ва қадимги Шарқнинг қўшни вилоятлари билан иқтисодий-маданий алоқалар асосида шаҳарлар вужудга келганлиги аниқланди.

Мустақиллик йилларига келиб, халқимизнинг асрлар давомида тўпланган моддий-маданий меросини тадқиқ этиш ва уни ёш авлодга тўлалигича етказиш мақсадида умумдавлат миқёсида кенг қўлланли тадбирлар олиб борила бошланди. Хусусан, илк шаҳарлар тарихи ва қадимий шаҳарсозлик маданиятини чуқур ўрганишга бағишланган тадқиқотлар олиб борилди. А.А. Асқаров, А. С. Сагдуллаев, В. И.Сарианиди, Т.Ш.Ширинов, Р.Ҳ.Сулаймонов, Ш.Б. Шайдуллаев, Б.Х.Матбобоев, М.Ҳ.Исомиддинов, М.М. Мембетуллаев, А.А.Анарбоев, Б.Ж.Эшовларнинг тадқиқотларида совет давридаги илмий қарашларнинг мазмун-моҳиятига танқидий баҳо бериш билан бирга, мавжуд назариялар ва ёндашувлардаги ижобий жиҳатларни ажратиш кўрсатиш зарурати таъкидланди.

Минтақада олиб борилган археологик изланишларнинг тарихшунослик таҳлилини амалга ошириш натижасида қуйидаги фикр-мулоҳазаларни қайд этиб ўтиш ўринли деб топилди:

– бронза давридаги меҳнатнинг иккинчи йирик тақсимоли илк шаҳарлар шаклланиши учун муҳим имконият яратишга қолмай, бу жараённинг асосий иқтисодий омили ҳам бўлди. Илк шаҳарларнинг пайдо бўлишига турли ижтимоий-маданий омиллар сабаб бўлишига қарамай, муайян шароитларда уларнинг у ёки бу жиҳатлари устунлик қилади. Шаҳар маданиятининг шаклланиши иқтисодий (ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши), ҳарбий-сиёсий (мудофаа иншоотларига бўлган эҳтиёж) ва ижтимоий-бошқарув (бошқарув тизимининг ажралиши) тартибларининг мавжудлиги билан узвий боғлиқдир;

– Ўрта Осиёдаги дастлабки шаҳар ва шаҳар кўринишидаги марказлар ҳамда манзилгоҳларнинг ривожланишини қуйидаги даврларга ажратиш мумкин:

I давр (мил.авв. III-II минг йилликнинг биринчи ярми) – Жанубий Туркменистон (Олтинтепа, Намозгоҳ), Юқори Зарафшон (Саразм), Жанубий Ўзбекистон (Сополлитепа);

II давр (мил. авв. II минг йилликнинг ўрталари) - Жанубий Туркменистон (Гонур), Жанубий Ўзбекистон (Жарқўтон);

III давр (мил. авв. II минг йилликнинг охири – I минг йилликнинг ўрталари) – Сурхондарё (Қизилтепа), Қашқадарё (Ерқўрғон, Узунқир), Хоразм (Кўзалиқир), Фарғона (Далварзин) ва Зарафшон воҳаси (Афросиёб, Дўктепа).

– Ўрта Осиёдаги илк шаҳар масканлари минтақадаги илк деҳқончилик маданияти ўчоғи ҳисобланган Жанубий Туркменистонда шаклланди. Мил. авв. II минг йилликка келиб, бу жараён Мурғоб ва Балхобнинг қуйи оқимлари ва Сурхон воҳасини қамраб олди. Бу ҳудудларда ибодатхона, сарой ва ихтисослашган ҳунармандчилик устахоналарининг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини Тўғолоқ, Дашли ва Жарқўтон мисолида кўриш мумкин. Шу билан бирга, бу кўхна шаҳарларнинг ҳарбий бошпана вазифасини бажарганлиги унча кузатилмайди.

– мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб Бактрияда шаҳар маданияти ривожини узилиб қолгандай туюлади. Бу ҳолат бу ерда йирик шаҳар кўринишидаги масканларнинг йўқлиги билан изоҳланади. Турли туманларда унча катта бўлмаган, алоҳида масканлар (Кучуктепа, Бандихон 1, Бўйрачи 2, Тиллатепа) мавжудлиги кузатилади. Аммо, ўзлаштирилган майдонларнинг ҳудудлари бронза даврига нисбатан кенгайди. Буларнинг барчаси балки, ўша даврда ҳайдама ёки ярим кўчманчи хусусиятга эга бўлган ҳаракатли шаклдаги чорвачиликнинг аҳамияти ортганлигидан далолат беради. Айнан бу давр Авестода ўз аксини топган воқеалар (жамият бойлигининг асоси чорва бўлганлиги, қабилаларнинг чорвани олиб кетиш мақсадида бир-бирларига ҳужуми) даврига мос тушади.

Илк темир давридаги Бактрия (А.Асқаров, А.Сагдуллаев, Р. Сулаймонов), Хоразм (С. Толстов, М. Мамбетуллаев, О. Вишневская, Ю. Рапопорт), Сўғдиёна (А.Тереножкин, М.Массон, В.Шишкин, М. Исомиддинов), Фарғона (Ю. Заднепровский, Б. Матбобоев, А. Анарбоев) ҳудудларида шаҳарсозлик маданияти анча тараққий этган эди. Қизилтепа (А. Сагдуллаев), Узунқир (Н. Крашенинникова, О. Лушпенко), Ерқўрғон (М. Турабеков, Р. Сулаймонов), Афросиёб (В.Шишкин, В. Спришевский, М. Исомиддинов), Кўктепа (М. Исомиддинов), Кўзалиқир (О.Вишневская, М. Мамбетуллаев, Б. Вайнберг), Далварзин (Ю.Заднепровский, Б. Матбобоев, А. Анарбоев) каби ёдгорликларда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу давр кўхна шаҳарлари жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этган. Улар воҳалар, тарихий-маданий вилоятлар, «ўлкалар» ҳамда дастлабки давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, ҳарбий-сиёсий ва мафкуравий марказлари сифатида мавжуд бўлган. Ундан ташқари, бу давр

шаҳарлари бошқарув марказлари сифатида давлатчиликнинг энг асосий белгиларидан бири эди.

Афросиёб, Кўктепа, Ерқўрғон, Узунқир, Қизилтепа, Олтиндилёр, Эркқалъа ва Кўзалиқирда уларнинг иккита асосий – маъмурий марказ ва атроф қишлоқ хўжалик аҳолиси учун ҳарбий бошпана сифатидаги вазифаси яққол кўзга ташланади. Уларнинг ҳунармандчилик ишлаб чиқариш маркази сифатидаги вазифаси етарли даражада тўлиқ аниқланмаган. Бу даврда сопол ва металл ишлаб чиқариши, афтидан, махсус, ҳунармандчилик қишлоқларида марказлашган. Улардан топилган хумдонлар ва металлга ишлов бериш излари шундан далолат беради.

Фарғона ва Чочнинг илк шаҳарлари тарихи билан боғлиқ бўлган кўпгина масалалар етарли даражада тўлиқ ўрганилмаган бўлса-да, замонавий тарихшуносликда бу вилоятларга шаҳар маданияти ёйилмаган ҳудудлар сифатида қаралмайди. Фарғона ва Чоч илк шаҳарлари ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари нафақат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларининг ички қонуниятлари, балки ташқи омиллар билан ҳам боғлиқ эди. Нима бўлганда ҳам, мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарига келиб шаҳар маданияти Ўрта Осиёнинг деярли барча ўтроқ деҳқончилик вилоятларида тараққий этади. Аммо, бу жараён айрим вилоятларда эртароқ, айримларида эса кечроқ бошланади. Бу ҳолат аввало, табиий шароит, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг нотекислиги, маданий ва техник ютуқларни қабул қилиш ва жорий этиш билан боғлиқ эди.

Диссертацияда олинган натижалар асосида шаҳарлар тарихини тадқиқ этишга доир қуйидаги таклифлар ва тавсияларни илгари суриш зарурати юзага келади:

– шаҳарларнинг жамият тараққиётидаги беқиёс аҳамияти ҳисобга олинган бўлса, ҳар бир ҳудуд, ўлка ёки вилоят ривожланиш босқичларини ўрганиш жараёнида шаҳарлар тараққиёти ва мавқеига алоҳида ўрин ва эътибор бериш, шаҳар билан қишлоқ ҳамда атроф ҳудуд ўртасидаги муносабатларга аниқлик киритиш зарур;

– Ўрта Осиёда шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши муаммоси бўйича тўпланган маълумотлардан ўқув жараёнида, янги замонавий дарсликлар яратилишида, тарихий-маданий меросни ўрганиш ва тарғибот қилиш жараёнида кенг фойдаланиш лозим;

– ўрганилган масаланинг муҳимлигини ҳисобга олиб, минтақадаги шаҳарлар тарихини ўрганиш бўйича янги маълумотлар алмашинуви ва илмий ҳамкорлик мақсадида “Ўрта Осиёнинг илк шаҳарлари: тарихий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятлари” мавзусида халқаро илмий конференция ташкил этиш лозим. Бундай конференцияларни имкон даражасида мунтазам ўтказиб туриш орқали археология соҳасида қўлга киритилган янги илмий хулосалар ҳамда инновацияларни фан ва таълим тизимига жорий этиб бориш мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 06.01.2018. Tar.56.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИСТОРИИ АКАДЕМИИ  
НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХАКИМОВ АБДУМУХТОР АБДУХАЛИМОВИЧ**

**ИСТОРИОГРАФИЯ ПРОЦЕССОВ УРБАНИЗАЦИИ В СРЕДНЕЙ  
АЗИИ ЭПОХИ БРОНЗЫ И РАННЕГО ЖЕЛЕЗА (КОНЕЦ XIX –  
НАЧАЛА XXI вв.)**

07.00.08 – Историография, источниковедение и методы ведения  
исторического исследования

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам**

**Тошкент – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за \_\_\_\_\_.**

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tarix.uz](http://www.tarix.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный консультант:**

**Баходир Жураевич Эшов**  
доктор исторических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Доно Хамидовна Зияева**  
доктор исторических наук, профессор

**Фарход Алижанович Максудов**  
кандидат исторических наук

**Ведущая организация:**

Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019. Tar.56.01 по присуждению ученых степеней при Институте истории АН Республики Узбекистан (Адрес. 100060, город Ташкент, улица Шахрисабзская, 5. Институт истории АН РУз.2-этаж. Зал заседаний. Тел. (99871) 233-54-70. факс. (99871) 233-39-91, e-mail: info@uzhistory.uz. Институт истории АН РУз).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100170, город Ташкент, улица Зиёлилар, 13) Тел. (99871) 262-74-58: факс. (99871) 262-34-41.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(протокол реестра рассылки № \_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года)

**А.С.Сагдуллаев.**

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.и.н., профессор, академик.

**М.Х.Пайзиева**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.и.н.

**А.Х.Дониёров**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.и.н. профессор.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в условиях процессов глобализации актуальное значение в мировом масштабе приобретает сохранение историко-культурного наследия, изучение и дальнейшее развитие традиций градостроительства. Знание отечественной истории, уважительное отношение к культуре других народов, способствует укреплению региональной общности. В частности, этапы развития узбекской государственности и урбанизации, различные историко-культурные процессы древнего периода, являются результатом эволюции местных культурных традиций и их взаимодействия с соседними цивилизациями. Именно поэтому актуальное значение сегодня имеет обращение к истокам историко-культурных связей и взаимовлияний.

Исследования материальной и духовной культуры древних исторических областей Средней Азии, процессов урбанизации, ранней государственности и управления обществом, ведутся в различных ведущих научных центрах мира. При этом чрезвычайно важными представляются меры по восстановлению и сохранению археологических объектов, выявленных в древних городах, поскольку открытые в процессе раскопок оборонительные стены, жилые дома, дворцы и храмы могут быть повреждены и разрушены под воздействием природных факторов. Для пропаганды историко-культурного наследия наиболее целесообразным представляется широкое использование данных по истории городов. Ряд древних городов до сих пор не включён в список исторических и туристических достопримечательностей, тогда как это открыло бы широкие возможности для дальнейшего развития туризма.

Актуальность избранной темы подтверждается еще и тем, что в результате целенаправленных научных исследований и новых открытий, связанных с юбилеями исторических городов, вновь усилился интерес к проблемам урбанизации в Средней Азии и истории древних городов. На фоне проводимых научных изысканий, особое значение приобретает исследование историографии процессов урбанизации в Средней Азии, сравнительный анализ и обобщение научных взглядов и концепций по этому вопросу.

Необходимость разработки инновационных подходов в области науки и образования на пути новейшего развития республики, нашла сегодня своё отражение в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы. «В процессе строительства нового общества большое значение имеет изучение богатого исторического наследия, традиций градостроительства и их использования»<sup>78</sup>. История Узбекистана – неотъемлемая часть истории Средней Азии. Именно поэтому изучение цивилизации Узбекистана имеет важное значение. Исследование её исторических корней на основе новых

---

<sup>78</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк келажигимизни мард ва олийжаноб халкимиз билан курамыз. – Ташкент.:Ўзбекистон. 2017.-С.78.

научных данных и их обобщение, даёт возможность для более глубокого изучения вклада древнего Узбекистана в развитие региональной цивилизации.

Данная диссертация в определённой мере служит решению задач по развитию научно-исследовательской и инновационной деятельности, научного изучения, пропаганды и обогащения богатой истории и духовного наследия нашего народа, обозначенных в Указе № 4947 Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию организации, руководства и финансирования деятельности и научно-исследовательской работы Академии наук» и Указе № УП-5181 Президента Республики Узбекистан от 18 января 2018 года «О защите объектов материального культурного и археологического наследия и совершенствовании их использования».

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы**<sup>79</sup>. Ввиду отсутствия специального научного исследования по проблемам формирования и развития культуры градостроительства в Средней Азии, а также отдельных монографий, посвящённых данному вопросу, вопросы историографии древних городов охарактеризованы недостаточно полно. Но, они получили своё отражение в научных публикациях, посвящённых некоторым аспектам историографии истории древних городов<sup>80</sup>.

В 70-е годы XX в. заметно усилился интерес к изучению истории городов. В частности, исследователи начали уделять внимание изучению истории древних городов, в этом направлении стали проводиться всесоюзные конференции<sup>81</sup>. Несмотря на то, что в этих научных мероприятиях не обсуждались вопросы историографии, там были представлены результаты археологических исследований, проведенных на памятниках городов и стоянок городского типа эпохи раннего железа, факторы и признаки градостроительства в Древнем Востоке, и их сравнительный анализ.

---

<sup>79</sup> Степень изученности темы подробно освещена в главе I диссертации.

